

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ
МАКТАБИ

“Санъат назарияси ва тарихи” кафедраси

ТЕЛЕВИЗИОН САНЪАТ ТАРАҚИЁТИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

мавзуида

ИЛМИЙ МАҚОЛА

О.Қ.ТОЖИБОЕВА

ЎзР ФА Санъатишунослик институти
директор ўринбосари, с.ф.д.

2016 йил

“САНЪАТ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ” СЕКЦИЯСИ

ТЕЛЕВИЗИОН САНЪАТ ТАРАҚИЁТИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

О.Қ.ТОЖИБОЕВА

ЎзР ФА Санъатшунослик институти

директор ўринбосари, с.ф.д.

XX асрнинг иккинчи ярмида шакллана бошлаган мамлакатимиз телевизион санъати эндиликда алоҳида илмий таҳлилни тақозо этади. Зеро, телевизион санъатни ўрганиш анъанавий санъат турлари спецификасидан келиб чиқиб, унинг тадрижий тараққиётини, дифференциялашув масаласини ҳамда жанрлар экспансиясини тадқиқ этишни талаб қилади.

Ўз ўрнида телесанъат маҳсулининг театр, кино, тасвирий санъат, мусика асарига нисбатан масъулияти улкан эканлини назарда тутмоқ жоиз. Зотан, мазкур санъат турлари эстетик завқ бериш, тафаккурни ўстиришда аҳамиятли бўлса, телевизион асар кишилар дидига таъсир кўрсатиш билан бир қаторда ижтимоий фаолликни юксалтириш, инсоннинг жамиятда тутган ўрни ва роли борасида кенгроқ мушоҳада қилишга жалб эта билиш қудратига эга. Бу биринчи галда унинг кенг тарқалганлиги, ҳаммабоп қулайлиги, масофасиз, чексиз-чегарасиз эканлиги билан изоҳланади. Ҳамонки мазкур санъат тури ҳар бир хонадонга кириб борар экан, ўз ўрнида унинг сифати, бадиият даражаси борасида жиддий ўйлаш лозим бўлади.

Телевидение воқеликни нафақат қайд этади, балки унинг тубига кириб бориб, томошабинни ҳаётнинг улкан сарҳадлари сари етаклайди. Кишиларнинг кўнгил очиш, дам олишларига хизмат қилиши унинг маданий-маърифийлик фаолиятига даҳлдор бўлса, ўйлашга, фикрлашга ундамоғи санъат яратиш функциясига мувофиқдир.

Узоқ йиллар телевизион санъат дейилганида бадиий телевидение маҳсули бўлган адабий-драматик асарлар тушуниб келинди. Аммо бугунги телетараққиёт шуни кўрсатмоқдаки, телевидение функцияси ахборот узатиш, анъанавий санъат намуналарини кўпайтириш ва тарқатиш билан чекланмай, ўзининг барча турдаги йўналишида санъат яратиш имконига эга.

Ўз ибтидосини радиодаги овоз воситаларини ўрганиш билан бошлаган телевидение унинг тажрибасидан кўп нарсани ўзлаштирди. Телевидение ҳақидаги дастлабки эстетик тасаввурлар фото-кино жўрлигидаги эшиттиришдан иборат бўлди. Мамлакатимизда 70-йилларнинг охирларига қадар ҳам телевидение маҳсулотлари кўрсатув эмас, балки эшиттириш деб айтилганини кўплаб фахрийларимиз таъкидлайдилар. Бунинг таъсири ўлароқ узоқ йиллар Ўзбекистон телевидениесида тасвирий ифода воситаларининг қўлланишидаги камчиликлар кўрсатувлар сифатида акс этди, аксарият ҳолларда кўрсатиш эмас, балки айнан эшиттиш руҳи сақланиб турди.

В.Саппак 60-йиллардаёқ телевидениенинг келажакда мустақил санъат сифатида тараққий топишини башорат қилганида, унинг етакчи элементи сифатида “иштирок эффекти”¹ни кўрсатган эди.

“Иштирок эффекти”ни театр санъатидан ўзлаштирган телевидение уни ривожлантирди, мукаммаллаштирди. Дастлабки шаклланиш давридан фаолиятиини “иштирок эффекти”ни кўрсатувчи репортаж билан бошлаган телевидение мазкур жанр ёрдамида томошабин билан мулоқотнинг янги шаклини намоён этди. Бу мулоқот бошқа санъат турларида учрамайдиган ўзига хос алоҳида шакл бўлиб, камерлиликка қурилгани яъни юзма-юзлик асосида ўзаро эътимодлилиги, уй шароитида эканлиги билан ажралиб туради.

Мамлакатимизда телевидениенинг 1957 йилдан то 1973 йилга қадар жонли кечганлиги уни театр санъати эстетикасини ўзлаштириш даври бўлди. Ёзувга ўтилиши муносабати билан 1973 йилдан то 1980 йилларнинг ўрталарига қадар кечган давр эса телевидениенинг фундаментал ўзагини белгилашга хизмат қилди. Бу даврда нафақат бадиий телевидение маҳсулотлари, балки публицистик, кўнгилочар ёки маърифий характердаги кўрсатувлар бадиий эстетик сифатларини намоён этишида ҳам театр санъати қонуниятларига бўйсунди. Театр қонуниятлари телекўрсатув шаклини драматургия талабларига мувофиқлигида намоён бўлиб, драма қонуниятига хос фабула, тугун, зиддият, кульминацион нукта ва ечим кўрсатувлар характеридан келиб чиқди.

Телевизион санъат тараққиёт даврини 1980-йилларнинг иккинчи ярмидан то 2000 йилларгача бўлган жараён ташкил этади. Бу даврда мамлакатимиз телевидениесида хориж телекўрсатувлари экспансияси бошланди. Телеэкранда ток-шоу, телешоу, телевикторина, телеўйин, телесериал, видеоклип, телемагазин сингари хорижий телевизион жанрлар кириб келди ва улардан андоза олишга ўтилди. Мазкур кўрсатувлар телеамалиёт тараққиётида ўз ўрни ва аҳамиятига эга бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида мақола мавзуси бўлиши мумкин. Мавзуимиз доирасида ёзув техникаси тизимида туриб, томошабин иштирок эффектини сақлаб қолишда аҳамиятлилиқ касб этувчи ток шоулар ҳақида тўхталиб ўтамиз. Зеро, ток шоу журналистика ва театр воситасини умумлаштириш хусусиятига эга бўлган телекўрсатув туридир.

Америка телевидениесида 60-йилларнинг иккинчи ярмида Фил Донахью томонидан асос солинган ток шоу бугунги кун телеамалиётида ўзининг кўп функцияли эканлигини кўрсатмоқда. Ток шоу воситасида жамият ҳаётининг ҳар бир жабҳаси, хусусан ижтимоий-иқтисодий муаммолар, кундалик турмушнинг кенг кўламли катта-ю кичик масалаларини қамраб олиш имкони бор. Ҳар қандай санъат асарининг кучи инсоният онгида ўз таъсирини кўрсатиши, тафаккур саволларига жавоб излашда аҳамиятли бўлишдан иборатлигини ҳисобга олганимизда, бу борада телесанъатнинг айнан мана шу жабҳасида улкан имкониятни кузатиш мумкин.

¹Саппак В.С. Телевидение и мы.Четыре беседы. –М.:”Искусство”, 1988.

Бошқа санъатлардан фарқли ўлароқ телевидение кишиларнинг ўзаро мулоқот қилиш имкониятини яратиш омилидир. Бу ерда нафақат экран ва томошабин, балки ички томошабин сифатида иштирок этаётган турли ижтимоий гуруҳ вакилларининг бир маслак йўлида ўзаро мулоқот ўрнатиш имкони мавжуд. Айнан ток шоу - телевизион санъат орқали давр нафаси, жамият кайфияти, кишилар фикрлаш тарзини ўрганиш воситаси ҳамдир. Зотан, хоҳи у ижтимоий, хоҳи иқтисодий, хоҳи бадиий - ижодий бўлсин, муайян масалани кўпчилик фикри орқали кузатиш, муҳокама қилиш, оддий одамлар муносабатини ўрганишдек афзаллик бошқа санъат турларида йўқ.

Ток шоу шуниси билан аҳамиятлики, унда нафақат муайян мавзулар бўйича фикр кўзгатиш, балки айрим масалаларни биргаликда ечиш имкони мавжуд. Бу эса телесанъатнинг ўзига хос боғловчилик ролига ҳам мувофиқ келади. Бу боғловчилик ҳукумат ва омма, жамият ва унинг аъзолари ўртасида кечишини назарда тутганда мазкур санъат турининг мисли кўрилмаган қудратини ҳис қилиш мумкин.

80 – йиллар охирларида Ўзбекистон телевидениесида ташкил этилган ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг “Баҳс” ток-шоуси ана шундай эркин мулоқотларни ўрнатиш имконини берган эди. Айниқса шу кўрсатувнинг “Товуснинг гўштини еса бўладими?”, “Номуснинг баҳоси қанча?” деб номланган мавзулари кейинчалик газета-журналларда ҳам мулоқот ва баҳслар ўрнатишга хизмат қилганди.

Ток шоу аҳамиятининг ошишида студияга йиғилган ички томошабинларнинг фаоллиги катта ўрин тутди. Айнан улар томошанинг асосий иштирокчилари бўлиб, кузатувчилик фаолияти билан чекланмай, етакчилик ролини эгаллайдилар. Улар шоумендан кейинги ўринда турадиган ўзига хос муаллифлардир. Бунингдек фаолиятни йўлга қўйиш, аудиторияни билиш, унинг реакцияси ва кутилмаган бурилишларига тайёр туриш шоумен маҳоратига боғлиқ. Мазкур ижодий жараёнда томошабиннинг нафас олиши, юрак уриши бир хилда кечиб, санъат мўъжизасидан баҳраманд бўлишга имкон берадиган театр томошаси ёки концерт иштирокчиси бўлишдан кўра кўпроқ фаоллик юзага келади. Бунинг учун шоумен мазкур иштирокчиларнинг ўзига хос дирижёри бўлмоғи керак. Ҳозирги телеамалиётда томошабини кўпинча қарсак чалувчилик ролида ушлаб туриш ҳолати бу улкан ижодкорлик воситасини ҳис қилмаслик, унинг кучидан фойдалана олмасликдан бошқа нарса эмас.

Монолог ёки диалогга асосланган кўрсатувлардан фарқли ўлароқ айнан ток шоуда кишилар гуруҳи муайян масалаларга бир вақтнинг ўзида кўпчиликнинг диққатини қаратади. Бир неча кишини ўйлантираётган масалалар ҳамманикига, бир одамнинг ташвиши бутун жамиятникига айланади. Зеро, фуқоролик жамиятининг етакчи сифати ҳам айнан мана шу бирлик, ҳамфикрлик, ҳамкорликдан бошланади.

Телевидение - миллионлар минбари. У эртадан кечгача турли рекламалар, олди-қочдига қурилган сериалларни кўрсатиш воситасигина эмас, балки яшаш жойи, ижтимоий аҳволи, ҳаёт тарзи, кундалик турмуши турлича бўлган бир жамият кишиларини муайян мақсадлар ва маслаклар

теварагида ўзаро уюштирувчи, уларни ҳамфикр, ҳамкор қилишга амалий ёрдам берувчи улкан санъатдир.

Телевидениени давлат монополиясидан чиқариш бўйича турли давлатларда олиб борилган ўзгаришларга мувофиқ равишда мамлакатимизда сезиларли ишлар бошланган. Аммо телеканаллар ўртасидаги рақобат, рекламаларга тўлиқ кинофильм-телесериаллар бериш билан эмас, балки кўрсатувлар савияси билан ўлчанади. Муаллифлик кўрсатувлари, жонли эфирлар, продюссерлик тизимининг шаклланиши эндиги телевизион санъат тараққиёти учун муҳим. Телеканаллар билан муайян лойиҳалар доирасида шартномалар тузиб, иш кўрадиган мустақил продюссерлик институтлари шаклланиши мазкур санъатнинг янги қирраларини топиш имконини беради.

Жонли эфир фақат ўтмиш эмас, балки келажак ҳамдир. Келгусида телевизион санъат ўзининг бадиий-эстетик табиатига кўра юксак маданиятли жамият аъзоларини тўплайдиган, ўзаро баҳслар, муҳокамалар, мулоқотлар ўрнатиш воситаси бўлиб қолади.